



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№10 (963)

2026 йил 20 февраль, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Рамазон –
меҳр-мурувват, аҳиллик
ва шукроналик ойи



4

Бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда


Нукус шаҳридаги “Наупир” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда, бир нечта кўп қаватли уйлар қурилмоқда.



Ҳудудда “Мах елит строу” масъулияти чекланган жамият томонидан 135 та хонадонли 3 та кўп қаватли турар жой биноси ҳамда “Fayz magnat” масъулияти чекланган жамияти томонидан 150 хонадонли кўп қаватли турар жойнинг қурилиш ишлари бажарилмоқда.

“Fayz magnat” масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Ботирбой Сейдабуллаевнинг таъкидлашича, ҳар бир объект бўйича алоҳида техник назорат ходимлари жараёнга бириктирилган бўлиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ишнинг сифатли бажарилиши устидан доимий назорат олиб борилаётир.

Ҳозирда объектга 90 нафар қурувчи-ҳодим, шунингдек, турли русумдаги 10 та техника жалб этилган. Фишт териш, сувоқ, электромонтаж, де-разаларни ўрнатиш каби ишларнинг сифатли бажарилиши назоратда.



▲ Қурилиш ишларидан лавҳалар.
Мақсад ХАБИВУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



▲ Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти. Бош лойиҳа институти ДМ

Келажакни кўзлаган лойиҳа ташкilotи

1966 йилдан бери мамлакатимиз ичимлик ва оқова сув, иссиқлик энергияси соҳаларида муҳим лойиҳаларни амалга ошираётган “Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Бош лойиҳа институти ДМ Ўзбекистонда инфратузилмани шакллантирувчи муассасалар орасида муҳим ўрин тутди.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мазкур масканда кўп йиллик тажрибага эга мутахассисларнинг илғор технологиялар ва кенг қўламдаги лойиҳалари бирлашган. Институт архивида 60 йиллик тарихга эга лойиҳалар сақланмоқда. Бу нафақат ҳисоб-китоб ва чизмалар, балки мамлакатимиз коммунал соҳа инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган стратегик ёндашувларни ҳам акс эттиради. Институтнинг республика миқёсида 9 та минтақалараро ва ҳудудий филиаллари фаолият юритади ва уларда 200 нафардан ортиқ тажрибали, малакали мутахассислар коммунал лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

– Бизнинг асосий фаолиятимиз ичимлик суви ва оқова суви таъминоти иншоотлари, объектлари, шунингдек, иссиқлик таъминоти объектларини лойиҳалаштиришдан иборат, – деди “Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ бош директорининг биринчи ўринбосари Бехзод Пахридинов. – Институтда ёш, тажрибали ходимлар билан бир қаторда, кўп йиллик тажрибага эга устозлар иштирокида “устоз-шогирд” аънаъаси ҳам йўлга қўйилган. Кўпчилик жўмрақни бураганда сув оддий тарзда келди деб ўйлайди, лекин бунинг замирида кўп йиллик меҳнат ва қийинчиликлар мужассам. Ҳудудларга чиққанда лойиҳалаштиришдан олдин объект бўйича таъминотлар ҳамда институтимиз масъул вакиллари иштирокида ўрганилади ва лойиҳа, геология ва топогеодезия қидирув ишлари олиб борилади. Бу ўз навбатида, лойиҳанинг сифатли чиқиши, объект қурилишида ичимлик суви таъминоти ва иссиқлик таъминотини кўп йиллик давр мобайнида эксплуатация қилинишини таъминлайди. Буларнинг бари мутахассислардан катта тажриба талаб этади.

Институт республикамизда иссиқлик таъминоти, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув соҳасида энг илғор лойиҳа институти ҳисобланади. Унда тўртинчи тоифадаги геодезия ишлари учун тегишли лицензиялар мавжуд. Сўнгги йилларда институт томонидан жами 1 071 та объектда лойиҳалаш ишлари олиб борилад. Хусусан, юртимиз бўйлаб бош магистрал қувурлар ва иншоотлар қурилиши, Тошкент вилоятида “Қодирия” сув тозалаш иншооти, Нурафшон шаҳрида оқова сув тизимларини қуриш, Жиззах вилоятида “Узунбулок” сув тозалаш иншооти, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида “Оқ сув”, “Деҳқонобод” сув қувурлари ва “Оқсув” сув иншооти, Жиззах вилоятининг Зомин туманида “Суффа” платоси ҳудудида ичимлик ва оқова сув тармоқлари, “Чимён Чорвоқ” рекреацион зона сув тизими, Жиззах шаҳридаги РКБ қозонхонасида когенерацион технологияни жорий этиш, “Янги Ўзбекистон” массивларидаги муҳандислик ишларини ташкил қилиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

– Паркентсой лойиҳасини тайёрлаш топшириғи 2025 йил апрель ойида қабул қилиниб, лойиҳамиз бир ой давомида БИМ технологиялари асосида мукамал тарзда ишлаб чиқилди, – деди институт БИМ технологиялари бўйича етакчи лойиҳа муҳандиси Асрорбек Ботиров. – Лойиҳанинг умумий қуввати 8 мегаватт бўлиб, бу ерда 3 та қозон, 2 та 3 мегаватт ва 1 та 2 мегаватт қувватга эга қозонлар ўрнатилди. Лойиҳа тўлиқ қувватда ишлаганда жами 46 та кўп қаватли турар жойларни иситишга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда 27 та кўп қаватли турар жой биносини иссиқлик билан мукамал таъминлаб келмоқда. Лойиҳага қўйилган қатъий талаблар асосида ҳароратлар графиги 95-70 цельсий этиб белгиланган.

Ёржон қишлоғига “Туризм қишлоғи” мақоми берилади

Бухоро вилоятида этно-туризмни ривожлантириш ва сайёҳлик салоҳиятини ошириш ишлари тизимли амалга оширилмоқда. Ана шундай ислохотларнинг навбатдаги босқичи сифатида Бухоро туманидаги Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғини таркибидаги Ёржон қишлоғига “Туризм қишлоғи” мақоми бериш борасидаги амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ушбу ташаббус маҳалла аҳолисини бирлаштириб, ҳудудда кенг қўламли ободонлаштириш ва ҳашар ишларининг бошланишига туртки берди. Айти пайтда қишлоқнинг инфратузилмасини тубдан модернизация қилиш, йўл-транспорт тизимини яхшилаш ҳамда маҳаллий аҳолининг сайёҳларга хизмат кўрсатиш борасидаги малакасини ошириш бўйича мақсадли лойиҳалар татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга, миллий хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, экологик ва агротуризм йўналишларини йўлга қўйиш орқали қишлоқнинг ўзига хос қиёфасини яратиш кўзда тутилган.

Соҳа мутахассислари томонидан тарихий ва маданий меросини асраб қолган ҳолда Ёржон қишлоғини замонавий туристик марказга айлантириш юзасидан “Бренд қишлоқ” концепцияси ишлаб чиқилган. Оилавий меҳмон уйлари ҳамда сервис хизматларини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

2



▲ Ёржон қишлоғига “Туризм қишлоғи” мақоми бериш борасидаги лойиҳа таъминоти жараёнидан.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



Келажакни кўзлаган лойиҳа ташкилоти

→ 1 Ҳозирги кунда барча қозонлар ва насослар энергия тежамкор, фойдали иш коэффициентлари 92 фоиздан юқори бўлган ускуналардан танлаб олинган. Паркентсой лойиҳаси БИМ технологиялари асосида юқори аниқлик ва энергия тежамкорлиги ҳамда эксплуатацион самардорлик талаблари тўлиқ бажарилган ҳолда ишлаб чиқилди, ҳозирги кунда аҳолини ишончли ва барқарор иссиқлик билан таъминлаб келмоқда.

Институт томонидан ишлаб чиқилаётган ҳар бир лойиҳа аҳолининг ҳаётини янада яхшилашга қаратилган. Уларни сув ва иссиқлик билан таъминлаш, атроф-муҳитга ҳам ижобий таъсир қиладиган технологияларни жорий қилишни назарда тутди.

– Институтимиз сўнгги 5 йилликда 5 минг километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқлари, 350 га яқин сув иншоотлари, сув тозалаш иншоотлари билан бирга 50 дан ортиқ оқова сув тозалаш иншоотлари, насос станциялари, 2,5 километрга яқин оқова сув иншоотлари, шунингдек, 20 дан ортиқ иссиқлик қозонхоналари, 150 километрга яқин иссиқлик тармоқлари лойиҳаларида фаол иштирок этган, – деди Бехзод Пахриддинов. – Шунингдек, керакки, биз ҳар бир лойиҳани атроф-муҳитга зарарли қамқабган ҳолда лойиҳалаштирамиз. Ҳар

бир объектга экологик ҳужжатларни тайёрлаб, экологик экспертизадан ўтказамиз. 2025 йилдан рақамлаштириш бўйича ишларни бошладик. Шу жумладан, БИМ технологиялари асосида лойиҳаларни ишлаб чиқишни бошлаганимиз. Келажакда йирик иншоотларни ҳам БИМ технологиялари асосида лойиҳалаштириш режаларимиз бор. Энергия самардорлик бўйича ҳам ишларни амалга оширяпмиз. Жумладан, сув иншооти бўладими ёки иссиқлик объектларини, албатта, қуёш панелларидан фойдаланган ҳолда лойиҳалаштиряпмиз ҳамда насос станцияларида ўрнатиладиган қозонхоналарни энергия самардор насослар билан лойиҳалаштиришга алоҳида ургу берамиз.

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ фақат лойиҳа институти эмас, балки Ўзбекистоннинг коммунал инфратузилмасини шакллантирувчи, келажакни ҳисобга олган ҳолда назария ва амалиётни умумлаштирувчи марказ. Экологик масъулият, энергия самардорлик ва рақамлаштириш ҳам замонавий принципларга асосланган ишланмалар, мамлакатимизда инфратузилмани шакллантиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, ташкилот ёш мутахассисларни тайёрлашда муҳим роль ўйнамоқда. Тажриба ва устоз-шогирд анъаналари орқали келажак лойиҳачиларини ривожланишига хизмат қилади.



Жиззахда 1 200 хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштириляпти

2025 йил 2 декабрда юртбошимизнинг Жиззах вилоятига ташири давомидида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бир қатор топшириқлар берилган эди. Жумладан, қурилиш ва инфратузилма масалалари муҳокама қилиниб, ижтимоий хизматлар, меҳнат бозори ва инфратузилмани марказдан узоқ маҳаллалар аҳолисига яқинлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Воҳиджон МИРЗАЕВ,
Жиззах вилояти бош архитектори.

Шунингдек, Урбанизация миллий қўмитаси ва вилоят ҳокимлигига ҳорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов туманини ягона агломерация

▼ Жиззах шаҳри Шароф Рашидов тумани “Учтепа” МФЙ ҳудудда қурилиш режалаштирилган турар жойлар лойиҳаси.

асосида ривожлантириш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш топширилди. Бунда иккала ҳудуд ўртасидаги 40 гектар буш майдон танланиб, жорий йилдан эътиборан ушбу массивда 1 200 хонадонли 50 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилди.



▲ 1680 ўринли умумтаълим мактаби биноси.

Ичимлик суви тизими устидан назорат кучайтирилди

Жорий йилнинг бошидан буён Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 22 июлдаги “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги ЎРҚ-784-сонли Қонуни талабларини амалиётга тўлиқ жорий этиш мақсадида Фарғона вилоятида тизимли назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Сардорхон СОДИҚҲОНОВ,
Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси, архитектор.

Хусусан, бу йўналишда вилоят прокуратураси билан келишилган ҳолда ҳудудий назорат инспекцияси ҳамда “Фарғона сув таъминоти” АЖ ўртасида кўшма қарор қабул қилиниб, ичимлик суви ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш тартибига риоя этилишини ўрганиш бўйича кенг қўламли рейдлар ташкил этилди. Мазкур рейдлар доирасида Кўкөн шаҳри ва Фурқат туманида прокуратура, ҳудудий инспекция ҳамда “Фарғона сув таъминоти” АЖ мутахассислари ҳамкорлигида ичимлик суви таъминоти тизими, технология талаблар, шартномавий муносабатлар, сув сифати мониторинги ва истеъмолчилар билан ишлаш ҳолати ўрганилди. Текширувлар govcontrol.uz ягона давлат назорати тизими орқали электрон рўйхатга олиниб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўтказилди.

Асосий кўрсаткичлар

Ўрганишлар натижасида Фурқат туманидаги сув таъминоти тизими бўйича қуйидаги асосий кўрсаткичлар аниқланган:

- туманда 135,2 минг нафар аҳоли яшайди, шундан 91,5 фоизи марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланган;
- 198 та ичимлик суви иншооти ва 337,9 километр тармоқ мавжуд, уларнинг 54,1 километр қисми таъмирталаб;
- 23,7 мингдан ортиқ хонадон билан шартнома тузилган;



▲ Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари ўрганиш жараёнида.

- 917 миллион сўм дебиторлик қарздорлик мавжуд, унинг асосий қисми аҳоли истеъмолчиларига тўғри келади;
- 2025 йил июлидан 2026 йил февралигача 350 та авария мурожаати келиб тушиб, 347 таси бартараф этилган.

Шунингдек, 2025 йил июлидан 2026 йил февралигача қадар 255 та техник шарт бўйича мурожаат кўриб чиқилиб, аксариятига ижобий ҳулоса берилган.

Аниқланган муаммолар

Рейд тадбирлари давомида қатор тизимли камчиликлар ҳам аниқланган.

- Жумладан:
- 198 та сув қудуғининг 178 тасида сув ҳисоблагич ўрнатилмаган;
- кўплаб қудуқлар бўйича махсус фойдаланиш рухсатномалари ва техник паспортлар расмийлаштирилмаган;
- 176 та сув иншоотида сувни зарарсизлантириш ускуналари мавжуд эмас;
- ичимлик суви сифатини мониторинг қилиш бўйича санитария хизмати билан 2026 йил учун шартнома тузилмаган;
- айрим юридик шахслар билан тузилган шартномаларда сув истеъмоли лимитлари белгиланмаган;
- ноқонуний уланish ҳолатларини аниқлаш ва ҳисобга олиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Мазкур камчиликлар Ўзбекистон Республикаси Сув кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 194-сон қарори ҳамда Президент қарорлари талаблари бузилганини кўрсатади.

Бюджет ташкилотларида ҳам камчиликлар бор

Текширувлар давомида туман ҳудудидаги таълим ва тиббиёт муассасаларида ҳам айрим қонунбузилишлар аниқланган. Хусусан, 53 та ДМТТдан 7 тасида, 38 та мактабдан 6 тасида, 14

та тиббиёт муассасасидан 3 тасида сарфланган сув бўйича ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилмаган. Шунингдек, бир мактабда ичимлик суви тармоғига ноқонуний уланish ҳолати аниқланиб, тегишли тартибда маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, “Қизил-қиёк” МФИда 25 та хонадон ўзлари мустақил равишда қазиган қудуқдан фойдаланаётган бўлсада, сув таъминоти корхонаси томонидан хизмат кўрсатилмасдан туриб, тўлов ундирилаётгани аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳужжатлар киритилди.

Қонун ижроси ва чоралар

Текширув якунларига кўра, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Сув ҳисобини тўлиқ юритиш, қудуқларни ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлаш, санитария назоратини кучайтириш, ноқонуний уланishларни аниқлаш ва шартномавий тартибни тақомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ичимлик суви таъминоти соҳасида қонунчилик талабларига қатъий риоя этилиши нафақат хизматлар сифатини ошириш, балки сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳулоса

Фарғона вилоятида ичимлик суви таъминоти тизими устидан назоратни кучайтириш бўйича амалга оширилаётган рейд тадбирлари соҳада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Тизимли камчиликларни бартараф этиш, ҳисоб-китоб ва мониторинг рақамлаштириш, шунингдек, истеъмолчилар билан шаффоф муносабатларни йўлга қўйиш орқали ҳудудларда ичимлик суви таъминоти хизматлари сифати босқичма-босқич яхшиланиши кутилмоқда.

Мутахассислар фикрича, сув таъминоти тизимиде қонунийлик ва тартиб-интизомни мустақамлаш бўйича бундай комплекс назорат тадбирлари республика миқёсида ҳам самарали амалиёт сифатида жорий этилиши зарур.

Ёржон қишлоғига “Туризм қишлоғи” мақоми берилади

→ 1 – Мазкур ташаббус амалга ошириш билан Ёржон қишлоғи Бухоро вилоятининг замонавий сайёҳлик марказларидан бирига айланади. Маҳаллий аҳолининг бандлиги таъминланади ва миллий қадриятлар юксак даражада асраб-авайланадиган стратегик маскан сифатида танилади, – деди тумани ҳокими ўринбосари Собир Бозоров. – Ҳудудда хизматлар сифатини ошириш ва сайёҳлар учун қўлай шароитлар яратиш бора-бор актифлик алақачон ижрога йўналтирилган бўлиб, бу маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бу каби хайрли ишларнинг дебосчаси сифатида, 2025 йилнинг март ойида Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказилган матбуот анжуманида вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган эди. Вилоят раҳбари Бухоро шаҳрида бунёд этилаётган тарихий-этнографик парк ҳамда “яшил ҳудудлар” билан бир қаторда, чекка қишлоқларда “туризм қишлоқлари”ни ташкил этиш ва уларнинг сонини мунтазам ошириб бориш устувор вазифа эканини таъкидлаган. Бу стратегик йўналиш ҳудудларнинг тарихий жозибадорлигини сақлаб қолиш ва қишлоқ жойларида туризм индустриясини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган бўлиб, бугунги кунда ўз амалий ифодасини топмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, вилоятда илк бор бундай мақом Бухоро туманининг

▼ “Туризм қишлоғи” лойиҳаси.



Шергирон маҳалласида жойлашган Чор Бақр қишлоғига берилган эди. Ушбу тажриба ўзини оқлаган, Жондор туманидаги Ушот қишлоғи ва Вобкент туманидаги Ширин қишлоқлари ҳам этноисторик мақомга эга бўлди. Бугунги кунда ҳар бир туризм қишлоғи ўзининг қадимий масжидлари, мейморий ёдгорликлари ва бетақор миллий қадриятлари билан нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳларни ҳам мафтун этмоқда. Ўзбек ҳунармандчилиги анъаналари, миллий урф-одатлар ва қишлоқ ҳаётига хос бўлган самимият билан бойитилган бу масканлар Бухоронинг жонан сайёҳлик ҳаритасидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Туризм кўчаси ташкил этилади

Ғайрат БҮРИЕВ,
Термиз тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

▼ Денов тумани марказидаги туризм кўчаси.



Сурхондарё вилоятининг Денов туманида “Саид Оталик” мадрасаси ҳамда Мустақиллик кўчаси оралиғидаги ҳудудда тарихий архитектура дизайни асосида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини ўз ичига олган, туну кун фаолият юритувчи туризм кўчасини барпо этишга қаратилган лойиҳалар тақдимот қилинди.

Тақлиф этилаётган лойиҳага мувофиқ, кўча бўйлаб Деновнинг қадимий архитектура қиёфасини тиклаш, мадраса ва бошқа тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш, шунингдек, сайёҳлар учун замонавий ва қўлай инфратузилмани яратиш режалаштирилган.

Лойиҳалар юзасидан масъулларга қурилиш-таъмирлаш ишларини босқичма-босқич ташкил этиш, ҳудуд инфратузилмасини замонавий талаблар асосида янада тақомиллаштириш вазифалари белгилаб берилди.

Бўлажак архитекторлар билан учрашув

▼ Вилоят ҳоқими бўлажак архитекторлар билан учрашувда.



Сурхондарё вилояти ҳоқими Улуғбек Қосимов Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университетининг архитектора ва қурилиш йўналишларида таҳсил олаётган талабалари билан учрашув ўтказди.

Ғайрат БҮРИЕВ,
Термиз тумани ҳоқимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

Учрашувда вилоятнинг 12 та худудидан танлаб олинган 86 та оғир тоифадаги маҳаллага бириктирилган 600 нафардан ортиқ талаба ёшлар иштирок этди. Вилоят раҳбари талабаларга бириктирилган маҳаллаларда амалга ошириладиган вазифалар, улардан кутилаётган аниқ натижалар ҳақида тушунтириб, худудларнинг инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий қиёфасини шакллантириш бўйича креатив ёндашувлар асосида лойиҳа тақлифлари ишлаб чиқиш вазифасини белгилаб берди.

Эътиборлиси, мазкур жараён орқали талабалар ўзларининг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириб, архитектура ва қурилиш соҳасидаги касбий кўникма ва тажрибаларини янада ошириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, учрашувда белгиланган вазифаларни намунавий бажарган, ташаббускорлиги ва салоҳияти билан ажралиб турган 20 нафар талаба замонавий архитектура соҳасида илгор тажрибага эга бўлган бешта хорижий давлатга малака ошириш ва тажриба алмашиш учун юборилиши маълум қилинди.

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги тоғли худудда жойлашган “Сарчашма” маҳалла фуқаролар йиғини худудда республикамызда илк марта сунъий музлик қуриб битказилди. Ушбу лойиҳа БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ваколатхонаси ташаббуси ҳамда республикамыз экология ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Илк сунъий музлик қурилди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” муҳбири.



▲ Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги “Сарчашма” маҳалла фуқаролар йиғини



Таъкидлаш жоизки, вилоятда тоғли худудлар кўп. Улар иқлим ҳамда логистика имкониятлари инобатга олинган ҳолда мутахассислар томонидан мукамал ўрганилган “Сарчашма” МФЙ худуди танланди ва қурилиш ишлари бошланди. Иншоот жорий йил бошида фойдаланишга топширилган, 20 кун ичида етарли миқдорда муз тўпланди. Лойиҳа бўйича ҳар бири 400 куб метргача муз тўплаш имконига эга бўлган 4 та махсус устун барпо этилди. Тўпланган муз вақти келиб эриши ҳисобига 250 куб метр сув ҳосил бўлади. Умумий ҳисобда қуввати минг куб метрга яқин оби ҳаёт заҳираси шаклланади. Бу миқдор бир гектар буғдой майдонини суғориш ёки

20 та оилани 3 ой давомида ичимлик суви билан таъминлаш имконияти беришини мутахассислар ҳисоб-китоб қилишган. Муз эриш жараёни одатда март ойидан бошланиб, июль ойининг ўрталаригача давом этади. Лойиҳанинг иккинчи босқичида музлик агрофида махсус ҳавза барпо этилиб, эриган суви йиғиш ва қувурлар орқали аҳолига етказиш режалаштирилган.

Мутахассисларнинг эътирофига кўра, мазкур ташаббус ФАОнинг “FOLUR” лойиҳасига биноан амалга оширилган бўлиб, Қирғизистоннинг Боткент вилояти Лайлак туманидаги “Сумбула” худудидан барпо этилган сунъий музликлар тажрибаси бу борада қўл келганини таъкидлаш лозим. Ушбу тажрибага таянган ҳолда юртимизда ҳам ана шундай объект қуриб битказилди. Қиш мавсумида тоғли худудларда сув оқими кўпайиб, кўп қисми бекор қолди. Сунъий музликлар орқали бу ресурсни муз шаклида сақлаб қолиш имкони яратилади. Қўриқхона буфер зоналарида ҳам шундай лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Инновацион янгилик мулақо табиий услуга асосланган бўлиб, атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар етказмайди. Музлик агрофида ўзига хос экологик муҳит шакллантирилади. Шунингдек, иқлим ўзгариши шароитида сунъий музликлар тоғли худудлар учун самарали ва иқтисодий жиҳатдан тежамкор технология ҳисобланади. У аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш баробарида, агросаноат мажмуида барқарорликни сақлашда ҳам муҳим ўрин тутди.

Бир сўз билан айтганда, “Сарчашма” МФЙда қурилган биринчи сунъий музлик иншооти юртимизда сув ресурсларини бошқариш бўйича инновацион ёндашувни кенгайтиришга асос бўлади. Ҳамкорликдаги ташаббус доирасида яна 50 минг куб метр қувватга эга йирик сунъий музликни амалга ошириш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томонидан “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 14 февралдаги 68-сонли буюртманомасига асосан “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 6 январдаги 68-сонли буюртманомасида кўрсатилган 37-49-, 37-50-, 37-51-сонли савдо шохобчаларида техник хатотик сабабли ўзгартирилди, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ худудида жойлашган қолган қуйидаги савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	37-49-сонли, умумий майдони 15,0 м² бўлган савдо шохобчаси	90 000 000
2.	37-50-сонли, умумий майдони 15,0 м² бўлган савдо шохобчаси	90 000 000
3.	37-51-сонли, умумий майдони 15,0 м² бўлган савдо шохобчаси	90 000 000

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
4.	19/9-сонли, умумий майдони 45,0 м² бўлган савдо шохобчаси	135 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2026 йил 3 март куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 5 март куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифи берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 27 март, 10, 24 апрель, 7, 21 май, 4, 18 июнь, 1, 15, 29 июль кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биригаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фойиздан кам бўлмаган миқдордаги сумани закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “Davt bank” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
Телефон: 71-237-23-82.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 20–26 февраль саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Callmarkaz оператори **Анвар Тошмуродов**, вазирилик электромонтери **Улуғбек Нормуратов**, Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Уринбосари Элдор Муҳиддинов**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ бухгалтерия бош мутахассиси **Жавлон Занжиров**, Смета ва қурилиш ташкил этиш бўлими етакчи мутахассиси **Бехзод Анваров**,

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” Лойиҳа кидирув ва қурилиш-пуарат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш бўлими етакчи мутахассиси **Фирдавс Олимжонов**, Қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Уткирбек Мусабоев**, хўжалик мудури **Латифбой Аллаберганов**,

Техник метёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Стандартлаштириш бошқармаси бошлиғи **Жасур Ҳамидов**, лаборатория бошлиғи **Сардор Ғозибек**, “Ўзбекистон бунёдкори” НУ МЧЖ бош директори – “Ўзбекистон бунёдкори” ижтимоий-иқтисодий газетаси бош муҳаррири **Дилшод Джалалов**,

“Узоғирсанотлоийиҳа” АЖ ИЛСК етакчи мутахассиси **Сардорбек Боқиев**, АСС-2 етакчи мутахассиси **Инесса Гаврилова**, “O'zshaharsozlik LPT” ДМ Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси алоқачи-

си **Ринат Ҳасанов**, Бухгалтерия бўлими етакчи бухгалтери **Насиба Азимова**, “Жиззах” филиали лойиҳа бош муҳандиси **Умиджон Абдуқаттаров**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-устахонаси архитектори **Шоҳиста Сафарова**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги етакчи мутахассиси **Раҳат Аялов**, Чимбой тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Нуралбай Мамбетназаров**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бўлими бошлиғи **Аскарбек Муҳиддинов**, Қашқадарё вилояти Қосон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Комил Нарзуллаев**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Умид тухфаси” БСК МЧЖ бош директори **Чарос Ҳалилова**, Хоразм вилояти Урганч туманидаги “Севинчой дўстлик” БСК МЧЖ бош директори **Абдурахмон Рўзметов**, Тошкент вилояти Бектемир туманидаги “Comfort Tmpt” БСК МЧЖ бош директори **Мансур Тувалов**, Тошкент шаҳар Яқкасарой туманидаги “Kommunal-profi” УЖМШ раҳбари **Олег Джумабаев**,

“Иссиқлик таъминоти” Самарқанд вилояти филиали омбор мудури **Жамшид Каримов**, машинист **Суннат Илясов**, соловчи **Бахтиёр Бозоров**, Фарғона вилояти филиали диспетчери **Зухриддин Ҳакимовларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.**

Уларга сихат-саломатлик, узок умр, ошлавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

“Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

“Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2025 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилиши 2026 йил 13 март куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 11.00 да Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 53-уйда жойлашган “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида бошланади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади. **Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.Chiroqchi.paxta.uz

Кун тартибидаги масалалар:

- Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
- Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамият ташқи аудиторининг 2025 молия-хўжалик йили якуни бўйича ҳулосасини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2025 йил якуни ва эски йиллардан тақсимланмасдан қолган соф фойдаси ёки (зарарни) тақсимлаш.
- Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг мuddатини узайтиришни кўриб чиқиш.
- Жамиятнинг 2026 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилот ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

9. Жамиятнинг 2026 йил учун белгиланган харажатлар сметасини тасдиқлаш.

10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

11. Жамият омборидаги товар-моддий бойликларни қайта баҳолашдаги ва E-auction савдо платформаси орқали сотилгандаги фарқларни харажатга олиб боришни тасдиқлаш.

12. “Чироқчи кластер” МЧЖни суд тугатиш бошқарувчиси Ш. Б. Холмуродовнинг 2026 йил 18 февралдаги 0125/02-сонли хатида кўрсатилган масалани кўриб чиқиш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2026 йил 19 февраль ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (Йиғилиш ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш кунин олдин) 2026 йил 9 март ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган). Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносидан танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 153-уй.

Электрон почта: chiroqchirpaxta@mail.ru
Тел.: 99-742-48-78, 94-339-48-78, 93-247-85-48.

“O'ZBEKISTON BUNYODKORI”

ГАЗЕТАСИГА
2026 йил учун
обуна давом этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- qurilish.today



Муборак кунларнинг ўз мақсади бор!

Рамазон кириб келиши билан кўнглимизда ўзига хос шукуҳ пайдо бўлади. Аммо не ажабки, баъзида бу улғу ойга муносиб тайёрланиш ўрнига кераксиз муҳокамаларга берилиб кетамиз. Кишилар масъул бўлмаган нарсалари ҳақида бошқотириб, ўзлари билмаган ҳолда ортиқча дилхираликларни келтириб чиқарадилар.

Адҳам ЭҒАМБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хусусан, Рамазон ойи бошланиши билан тармоқларда "Фалон-фалон давлатда бугун рўза тутишибди, энди нима қиламиз?" ёки "Биз рўза тутиб қўйибмиз-ку, бошқа давлатдагилар ҳали тутмаган эмиш, энди нима бўлади?" деган турли хил мазмундаги тортишулар кўпаяди. Аммо Рамазон кунини белгилаш ҳам, ўзимиздан келиб чиқиб фатво бериш ҳам бизнинг вазифамиз саналмайди. Дунёнинг жами мусулмонлари дунёнинг бир ерига тўлганиб яшамайди, ҳудуди, жойлашувидан келиб чиқиб, Рамазон ойи бошланиши фарқли бўлиши табиий. Биз қачонда бошлаб ушбу муборак ибодатни адо этишига киришимизни эса Ўзбекистон мусулмонлари идораси хузуридаги фатво ҳайъати ҳал қилади. Нафақат уни белгилаб беради, балки фатво учун барча масъулятни зиммасига олади.

Набий алайҳиссалом: "Киши ўзига муҳим бўлган (беҳуда) нарсаларни тарк қилиши исломнинг гўзаллигидандир", дея марҳамат қилганлари ҳам бежиз эмас, албатта. Шундай экан, бор диққатимизни қалбимизни янада поклаш, ушбу ойнинг баракоти билан маърифатлантириш гамида бўлганимиз ҳаммамиз учун мақбулдир.

Ушбу муқаддас ой бутун ислом олами учун энг юксак инсоний қадриятлар мужассамлашган покланиш палласи бўлиб, унинг кириб келиши шариат кўрсатмаларига биноан янги ҳил-қилнинг кўриниши билан расмийлаштирилади. Ўзбекистонда Рамазон санасини белгилашда Ўзбекистон мусулмонлари идораси фалакии ҳисоб-китобларга ва минтақавий уфқ хусусиятларига таянади. Географик жойлашувимиз ва уфқ чегараларимиз сабабли, айрим ҳолларда рўза тутиш санаси Саудия Арабистони каби давлатлардан бир кунга фарқ қилиши мумкин, бу эса астрономик қонуниятлар ҳамда "ихтилоф ал-матолӣ" (уфқларнинг турличалиги) тамойилига тўла мос келади.

Рамазон ойининг аниқ қайси кунда бошланиши ҳар йили кўплаб баҳсларга сабаб бўлсада, асл моҳият ушбу ўттиз куннинг қандай ўтиши, қандай мазмун билан тўлдирилишидир. Зеро, тақвимдаги рақамлар шунчаки вақтни белгилашади, инсоннинг бу муборак ойдаги амаллари унинг маънавий кифёсини шакллантиради. Саҳарликда нима танаввул қилганингиз, қандай ифторлик дастурхони ёзганингиз билан мактанадиган нарсасиз. Аксинча, ушбу улғу ойнинг энг катта вазифаси – Яратганнинг муҳаббатини англаш, сабр ила шукрни зиёда қилиш, танимиз ва руҳимизни кундалик истеъмолдан чеклаб, қалбимизни эзгулик билра тўлдиришидир. Янаям муҳим жиҳати, бир ойгина яхшиларнинг этагини тутиб, улар билан бирга ибодат қилиш эмас, бир умрга ёмон одатларни тарк этиш йўлида мужодала қилмоқ, хатолар йўлига тўғаноқ бўладиган мустаҳкам ҳидоятга соҳиб бўлмоқдир.

Барча ташкилий ишлар режа асосида бажарилади

Рамазон шунчаки жисмоний тийилиш эмас, балки қалбни губорлардан тозалаш, тилдан ёмон сўзни, дилдан эса адоватни қувиш санъатидир. Инсон саҳарликдан ифторликкача нафсини жиловлар экан, ўз иродасининг нақадар қучли эканлигини ҳис қилади ва дунёнинг ўткинчи ташвишларидан юқори кўтарилади. Маънавий покланишнинг энг юқори нуқтаси



эса кечалари Таровиҳ намозларида Куръон тиловатига соме бўлиш ва ёлғиз Яратганга муножот қилиш билан намоён бўлади.

Бу ойда жамиятда меҳр-оқибат ва саховат муҳити янада қуюқлашади, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, жанжаллашганларни яраштириш ва оила аъзоларига эътиборни ошириш ҳар бир мусулмоннинг маънавий бурчига айланади. Шунинг учун ҳам Рамазоннинг биринчи кунини қайси санага тўғри келишидан қатъи назар, энг муҳими, ғанимат кунларни фағлатда ўтказмасдан, ҳар бир сонияни эзгулик ва шукроналик билан бойитишдир. Фақат шундангина Рамазон ҳайити нафақат тақвимдаги байрам, балки руҳнинг чинакам ғалабаси ва шодийнаси бўлиб хизмат қилади.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг 16 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида қарори" қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, ушбу фазилатли ойда "Рамазон – меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи" деган эзгу ғоя асосида амалга ошириладиган вазифалар белгиланди.

Хусусан, Рамазон ойда республикада фаол яшашга 2 148 та масжиддан 2101 тасида таровиҳ намозлари ўқилади. Шундан, 1 762 тасида "Хатми Куръон" тадбирлари ўтказилади. Ушбу жараёнга 3 642 нафар иқтидорли қори саралаб олинди. Сунгги йиллардаги ижобий тажрибадан келиб чиқиб, бу йил ҳам "Хатми Куръон" тадбирлари барча масжидларда бир хил вақтда бошланиб, 27-кунини яъни "Лайлат-ул Қадр" кечасида якунланиши белгиланди. Таровиҳ тадбирларини тартибли ўтказиш мақсадида Ички

ишлар, Миллий гвардия, Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари, шунингдек, 2 104 та махсус техника жалб этилади.

Эҳтиёжмандларга 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади

Президентимизнинг қарорига кўра, Рамазон ойда:

- Ижтимоий реестрнинг "давлат таъминотидаги оила" тоифасидаги оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестридаги фуқаролар, шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар яшаётган оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади;
- Ижтимоий реестрнинг "камбағал оила" тоифасидаги ҳамда "маҳалла еттичилиги" томонидан шакллантирилган кўшимча рўйхатдаги эҳтиёжманд оилаларга 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади;
- Ижтимоий реестрдаги оилаларнинг 6 минг нафар бемор аъзоларининг даволаши ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш билан боғлиқ харажатлари қоплаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Рамазон ойи инсоннинг ўзлигига қайтиши ва қалб кўзгусини сайқаллаштириш учун берилган илоҳий имкониятдир. Тақвимдаги саналар ва географик фарқлар устидаги мунозаралар ўткинчи, бироқ ушбу ойда орттирилган гўзал одоб, сабр ва қаноат инсон ҳамроҳига айлиниши керак. Зеро, чинакам Рамазон рўзадорнинг қалбида меҳр уйғонганда, қўли хайрга чўзилганда ва тили фақат эзгуликни сўзлаганда ўз мақсадида етади. Шу боис, ҳар бир тонгни "Бугун қандай яхшилик қила олам?" деган ният билан қарши олиш, Рамазоннинг ҳар бир оинини қадрига етган ҳолда ўтказиш ва уни маънавий юксалиш билан якунлаш энг олий саодатдир.

Бу йилги Рамазон ойи ҳижрий 1447 йил, миллодий 2026 йил 19 февралдан бошланди. Аллоҳ таоло бу муборак оини барчамиз учун мағфират, раҳмат ва наҳот ойи қилсин. Рамазон – меҳр ва масъулият ойдидир. Муборак ой ҳар бир хондонга тинчлик, барак ва энгиллик олиб келсин.

Қолаверса, Президент Шавкат Мирзиёев ҳам Рамазон ойи муносабати билан юртдошларимизга табрик йўллаб, "Сизларни эзгулик, меҳр-мурувват ва баракка ойи – моҳи Рамазоннинг бошланиши билан яна бир бор табриклайман. Ушбу шукуҳли кунларда барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, хондонларингизга тинчлик ва фаровонлик тиламан. Рўза кунларидики қилинадиган барча ибодатлар, эзгу ният ва амаллар ижобат бўлсин! Халқимизни, Ватанимизни Яратганнинг ўзи паҳолида асрасин! Рамазон ойи барчамизга муборак бўлсин!" дея қутлагани ҳам муборак ойнинг энг қувончли воқеаси бўлди.

Жанубда шафоат ва мағфират ойи юксак савияда ўтказилади

Президентимизнинг "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида" ги қарорига мувофиқ Сурхондарё вилоятида бу ойни миллий анъана ва қадриятларга мос юқори савияда ўтказиш учун барча шароит яратилди.

Вилоятда "Рамазон – меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи" деган эзгу ғоя асосида кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ўзаро хурмат, ҳамжихатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш, ер, сув, ҳаво ва табиий муҳитни асраш, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларни исрофгарчиликка йўл қўймасдан, ихчам, мазмунли ва тежамкорлик асосида ўтказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Жоме масжидларида мўмин-мусулмонларнинг ибодатларини хотиржам адо этиши учун барча шароит яратилди.

Муқаддас ой арафасида мутасадди раҳбарлар таровиҳ намози адо этиладиган масжидларни кўздан кечириб, жамоат тартибини сақлаш, масжидларнинг санитария ҳолати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чораларини белгилаб олди. Атрофи ободонлаштирилиб, тартибга келтирилди.

Бандихон туманида ҳам ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ўзаро аҳиллик, саховат ва шукроналик ғояларини ўзида мужассам этган шафоатли ой юқори савияда ўтказилади. Мўмин-мусулмонлар таровиҳ намозларини барча шароитларга эга жоме масжидларида ўқийди. Яратилган шароитлар билан яқиндан танишиш учун туман ҳокими Абдумалик Алламуродов "Саидмуҳаммад" ва "Эшон Аҳмад хожи" жоме масжидларида бўлиб, ободонлаштириш ва санитария ҳолатини ўрганди. Жамоат тартибини сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя этилиши, электр таъминоти ва ёришти тизимларининг созлиги, фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракатланиш чораларини кўриш юзасидан амалга оширилган ишлар билан танишиб, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш топширилди. Тақлиф ва тавсияларини билдирди, деб хабар қилади ЎА мухбири Холмўмин Маматрайимов.

Маълумотларга кўра, Рамазон ойда вилоятдаги 130 дан ортиқ жоме масжидида таровиҳ намози адо этилади.



Меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи

Бутун ислом олами учун муқаддас бўлган Рамазон ойи бошланмоқда. Қалблар покланадиган бу муазам ойда муқаддас динимизга хос энг эзгу қадриятлар – бағрикенглик ва меҳр-мурувват, саховатпешалик намоён бўлади. Давлатимиз раҳбарининг кунини кеча эълон қилинган қарорига кўра, юртимизда муборак Рамазон ойини муносиб ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

– Қарорга мувофиқ, жорий йилда ушбу муборак ой "Рамазон – меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи" ғояси асосида ўтказилади, – деди Самарқанд вилояти бош имом-хатиби Аҳмадхон Алимов ЎА мухбири Ғолиб Ҳасановга. – Ой мобайнида кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Маҳаллаларда ўзаро хурмат, ҳамжихатлик ва адолат муҳитини мустаҳкамлаш, тарбиявий

ишлар самардорлигини ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишлари жадаллаштирилади. Бу сазй-ҳаракатлар Рамазон ойининг мазмун-моҳиятига тўла уйғун. Зеро, бу фалсада қилинган ҳар бир хайрли амалнинг сабоби бир неча баробар қилиб берилади. Эҳтиёжмандлар, беморлар ва кексалардан хабар олиш, уларга меҳр-шафқат кўрсатиш энг улғу ибодатлардандир. Аввало, қўни-қўшини ва қариндошлар ҳолидан огоҳ бўлиб, уларнинг кўнглини кўтариш, етим-есирлар, ногиронлар ва беморларга ғамхўрлик қилиш орқали тутган рўзаминнинг ажри янада зиёда бўлади, иншооллоҳ.

Рамазоннинг асосий мақсади – тақво. Яъни инсоннинг қалби покланиши, нафс тарбияси, ҳалол-ҳаромни англаб яшаш ва Аллоҳга яқинлашишидир. Рўза инсонни яширин ва ошқора ҳолатларда ҳам ўзини назорат қилишга ўргатади. Очлик ва чанқоқлик орқали нафс синалади, ирода мустаҳкамланади. Рамазон нафақат очлик, балки қалб тарбияси, гуноҳдан покланиш ва Аллоҳга яқинлашиш ойдидир. Бу ойда инсон ўзини фақат еб-ичишдан эмас, тилни ёмон сўздан, кўзни харомдан, қулоқни ғийбатдан, қалбни кибр ва ҳасаддан сақлашга лозим. Бинобарин уламоларимиз айтгандек, ҳақиқий рўза – бутун аъзоларнинг рўзасидир.

Қарорда Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларни исрофгарчиликка йўл қўймасдан, ихчам,

мазмунли ва тежамкорлик асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш белгиланган. Албатта, Рамазон исроф ойи эмас. Афсуски, баъзан ифторлик дастурхонлари дабаба ва манманликка айланиб кетмоқда. Бу эса муборак оининг руҳига тамомила зиддир. Кунин билан оч юрдим, деб ифторлик ёки саҳарликда жуда кўп овқат ейиш инсон саломатлигига ҳам жиддий хавф солади. Бир коса овқат, бир бурда нон билан ҳам нафсини қондириш, ифторлик қилиш мумкин. Рўза ибодатининг мазмуни фақат оч юриш эмас, ихлос ва шукрдир. Барака ҳам қаноатда, исроф баракани кетказади.

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари Самарқанд вилоятида ҳам мўмин-мусулмонларнинг Рамазон ойи ибодатини тўла тўқис, муносиб шароитда адо этилиши учун масжидларда барча имкониятлар яратилмоқда. Масжидлар ва улар атрофида хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш юзасидан мутасадди идоралар томонидан зарур чоралар кўрилди. Бу муборак ойда эзги-овқат махсулотлари нархи асосси ошиб кетишининг олдини олиш учун йирик савдо марказлари ва бозорларда арзонлаштирилган озиқ-овқат махсулотлари савдоси йўлга қўйилди.

Вилоят бош имом хатинининг қайд этишича, Рамазон ойда Самарқанддаги 288 та жоме масжидида таровиҳ намози ўқилади, 204 та масжидда Куръон хатм қилинади.

– Хатмонларда 370 нафар қори иштирок этиб, Куръоннинг нозик тиловати билан масжидларимизга нур, фойз ва маънавий муҳит бағишлайди, – дейди Аҳмадхон Алимов. – Рамазон қалбни поклаш, ҳаётни ислоҳ қилиш, оилани мустаҳкамлаш ойдидир. Тилларимиз зикр билан, қалбларимиз тақво билан, уйларимиз Куръон нури билан тўлсин. Аллоҳ таоло бу ойни барчамиз учун раҳмат, мағфират ва гуноҳлардан покланиш ойи қилсин!

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O'zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятгов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алимов, Озода Жўраева, Сирожиiddин Эшқуровватов, Козим Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Махсаҳх – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Наشرіет уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Наشرіет уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "ЎзГАНШЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшахарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-37-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сардарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буқорға – Г. 241. 1181 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Бахоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشرіет-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 2215.

Газетанинг навбатдаги сони 27 февраль кунини чиқади.